**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректори У.Б.Азизов**

_______________

«____» ______________2022 йил

**“МАЪҚУЛЛАНДИ”**
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК раиси А.Т.Юсупов**

_______________

« 30 » сентябрь 2022 йил

**23.00.02 – “Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялари” ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон**

# ДАСТУРИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил «30» 09.325/4 сонли қарори билан тасдиқланган**

**Тошкент – 2022**



Сканировано с CamScanner

**Тузувчилар:**

| | |
|---|---|
| В.Қўчқоров | Ўзбекистон Халқаро ислом академияси профессори, сиёсий фанлар доктори, профессор. |
| Н.Жўраев | Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ижтимоий фанлар кафедраси мудири, сиёсий фанлар доктори, профессор. |
| Ғ.Маматов | Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, фалсафа доктори (PhD). |

**Тақризчилар:**

| | |
|---|---|
| Б.Омонов | сиёсий фанлар доктори. |
| А.Утамуродов | фалсафа фанлари номзоди, профессор. |

Ушбу дастур университет Кенгашининг 2022 йил 25 август 1-сонли мажлисида тасдиқланган.



CS Сканировано с CamScanner

# КИРИШ

Бугунги глобаллашув жараёнида жамият ҳаётида кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар табиатини тушуниш, мавжуд жараёнларни илмий-методологик жиҳатдан ўрганиш ва тизимли таҳлил этиш сиёсий фанлар олдида турган долзарб вазифага айланди. Табиийки, Янги Ўзбекистон шароитида давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган чуқур институционал ўзгаришларни ўрганиш негизида тадқиқотчилар демократлашув ва модернизациялаш жараёнларини ҳар тарафлама англаши, тизимли таҳлил асосида хулоса қилиши, шунинг баробарида, уларда иштирок этиши, жараёнларни илмий баҳолай олиши ва Ўзбекистон сиёсий тизимини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиши мумкин бўлади. Шу маънода, докторант ва тадқиқотчилар уларни объектив тарзда таҳлил қилиши, тўғри ва ҳаққоний илмий хулосалар чиқара олиши керак.

**Дастурнинг мақсади** – тадқиқотчиларга сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологияларнинг назарий асослари тўғрисида маълумот бериш, сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологияларни тадқиқ этишнинг асосий усул ва воситалари билан таништириш, шунингдек, ташқи ва ички таҳдидлар шароитида сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологияларни ривожлантиришнинг назарий асосларини тўлиқ эгаллаш ва шу соҳада амалий кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

**Дастурнинг вазифалари** – тадқиқотчиларга сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологияларнинг назарий асослари, сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар соҳаларда тадқиқотлар олиб боришнинг асосий услуб ва воситаларидан фойдаланиш, сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологияларнинг асосий кўринишлари ва турлари, сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологияларнинг замонавий йўналишлари ва механизмлари, сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологияларнинг мониторинги тизимини ташкил этиш усуллари билан таништириш.

# АСОСИЙ ҚИСМ

## Сиёсатшуносликнинг тадқиқот объекти, предмети ва вазифалари

Сиёсатшуносликнинг ижтимоий фанлар тизимида тутган ўрни. Сиёсатшуносликнинг бошқа ижтимоий фанлар билан умумийлиги ва ўзига хос хусусиятлари. Сиёсатшунослик – жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий фаолияти, сиёсий муносабатлар ва уларни ривожлантириш ҳақидаги фан. Сиёсат, сиёсий ҳокимият, сиёсий институтлар, сиёсий муносабатлар, сиёсий меъёрлар, сиёсий маданият – сиёсатшуносликнинг тадқиқот объекти сифатида.

Сиёсатшуносликнинг вазифалари: сиёсий ҳаётни назарий билиш, тушунтириш, баҳолаш, башорат қилиш, оқилона ташкил этиш.

## Сиёсий фаннинг методлари

Сиёсий ҳаётни тадқиқ этиш методлари: эмпирик-социологик, маданий, меъёрий, муассасавий, танқидий диалектик, тизимли, қиёсий таққослаш, бихевиористик, тарихийлик, функционал таҳлил.

Умуммантиқий методлар: анализ-синтез, индукция-дедукция, тарихий ва мантиқий таҳлил, кузатиш, тизимли таҳлил, моделлаштириш, математик-кибернетик, башорат методлари.

Эмпирик методлари: электоратга доир статистикадан фойдаланиш, ҳужжатлар таҳлили, анкета сўровлари, лаборатория тажрибалари, вазиятни ўйин тарзида таҳлил қилиб кўриш, қилинаётган вазият давомида кишилар хатти-ҳаракатларини кузатиш ва ҳ.к.

**Сиёсат тушунчаси ва асосий концепциялари**

Сиёсат тушунчаси. Сиёсат таърифларининг хилма-хиллиги. Сиёсатга социологик ёндашувларни ифодаловчи қарашлар гуруҳи: иқтисодий таърифлар; сиёсатнинг стратификацион ва ҳуқуқий таърифлари; сиёсатнинг ахлоқий талқинлари. Сиёсатнинг субстационал, институционал ва антропологик таърифлари. Сиёсатнинг мазмуни ва шакли. Сиёсатнинг тарихий қисмлари ва даражалари. Сиёсатнинг вазифалари. Жамиятда сиёсатнинг чегаралари.

Сиёсатнинг тоталитар ва анархистик концепциялари. Либерализм ва кейнсианлик.

**Сиёсий ҳокимият: табиати, ресурслари ва типологияси**

Жамиятда ҳокимият. Ҳокимият таърифларининг хилма-хиллиги: телеологик, бихевиаристик, психологик, таркибий функционал, релиацион талқинлари. Субъект ва объект ҳокимиятнинг эгалари сифатида. Ҳокимият манбалари тушунчаси. Манбаларнинг турлари: утилитар, мажбурий ва меъёрий. Ҳокимият манбаларининг туркумлашиши: иқтисодий, ижтимоий, маданий-ахборот, мажбурий, демографик манбалар.

Платон ва Аристотелнинг дастлабки ҳокимиятлар бўлинишига доир қарашлари. Жон Локк ва Ш.Монтескеларнинг ҳокимиятни учга бўлиш тамойиллари. Ж.Мэдисон, А.Гамильтон, Т.Джефферсонларнинг АҚШ давлатчилиги амалиётида ҳокимиятларни бўлинишини амалга оширишга доир қарашлари. Сиёсий ҳукмронлик ва легитимлик. М.Вебернинг легитим ҳукумронлик тўғрисидаги таълимоти.

**Сиёсий тизим: тушунчаси, тузилиши, вазифалари ва типологияси**

Сиёсий тизим тушунчаси. Сиёсий тизимнинг тадқиқот воситаси сифатида тушуниш. Сиёсий тизим ҳокимият механизми сифатида. Сиёсий тизимнинг туркумлашуви: анъанавий, замонавий, тоталитар. Очиқ ва ёпиқ сиёсий тизимлар. Автократик ва демократик сиёсий тизимлар.

**Давлат – асосий сиёсий институт сифатида**

Давлатнинг моҳияти, унинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни ва роли. Арасту, Афлотун, Фаробий, Макиавелли, Гоббс, Локк, Руссо, Гегель каби мутафаккирлар давлатнинг келиб чиқиши ва сабаблари, белгилари тўғрисида.

Давлат ривожланишининг йўналишлари: этатистик, ноэтатистик, экологик. Давлатнинг ички ва ташқи вазифалари. Давлатнинг ички ва ташқи

вазифалари. Давлат – бош ислоҳотчи. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг асосий вазифалари. Давлат тузилишининг таркиби. Давлатнинг тарихий ва замонавий шакллари.

### Партия ва партия тизимлари: моҳияти, белгилари, турлари.

Партиянинг сиёсий тизимидаги ўрни ва вазифалари. Партия ва манфаатлар гуруҳлари. Сиёсий партияларнинг туркумлаш тажрибаси. Партиялараро рақобатнинг ўзига хос хусусиятлари. Партия ривожланишдаги энг янги йўналишлар. Сиёсий партия турлари: тоталитар ва демократик партияларнинг моҳияти ва кўринишлари. Партия тизимлари: бир партиявийлик, икки партиявийлик ва кўп партиявийлик.

Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг электорал партияларга айланиши. Уларнинг сиёсий ҳаётдаги ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфатларини ҳимоя қилишдаги ўрни ва мавқенинг ортиб бориши. Мамлакатда тадбиркорлар, фермерлар, ёшлар, хотин-қизлар ҳаракатлари.

### Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий институтлар демократлашувининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасида сиёсий институтлар ва сиёсий жараёнларни босқичма-босқич ислоҳ қилиниши. Унинг мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаши. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилсин” ғоясининг амалий аҳамияти. Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг легитимлиги ва легаллашуви. Мамлакатни, инновацион дастурларни, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган дастурларнинг кенгайиши.

### Ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар: моҳияти, белгилари ва турлари

Ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг моҳияти ва манбалари. Уларнинг жамиятнинг ижтимоий-сиёсий асосларини ўзгартирувчи қудратли куч эканлиги.

Ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар жамиятнинг яшаш усули сифатида. Ҳозирги замон ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг хилма-хил кўринишлари: урушга қарши, сиёсий блокларга қўшилмаслик, экологик, миллий мустақиллик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик, деҳқонлар, зиёлилар, хотин-қизлар ва ёшлар ҳаракати.

Ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг турлари: консерватив ва норозилик, ислоҳотчи ва инқилобий ҳаракатлар.

### Сиёсий элиталар: моҳияти ва турлари

Сиёсий элита концепцияси. жамиятнинг элитарлиги, элита тўғрисидаги қарашлар: демократик элитизм, элита плюрализми концепциялари. Элиталарнинг сўл либерал назарияси. Элитанинг табақаланиши. Унинг бошқаруви ва мухолиф, олий, ўрта маърифий элитага бўлинганлиги. Сиёсий

элитанинг ижтимоий вакиллиги. Элиталарнинг танлаш тизими. (гильдия, антепренер).

### Сиёсий етакчилик: тушунчаси ва асосий концепциялари

Етакчилик тушунчаси. Тарихда етакчилик ғоялари. Етакчилик таърифи. Етакчиликнинг объектив ва субъектив томонлари. Сиёсий етакчилик табиати. Белгилар назарияси. Омилининг аналитик концепцияси, конституентлар назарияси, психологик концепциялар ва етакчиликнинг интерактив таҳлили.

Етакчилик турлари: оддий, буюк, авторитар, демократик, рационал ошкора. Етакчиликнинг йиғма фазилатларидан кириб чиқувчи қиёфалари: бўйдоқлар, хизматчи, савдогар, ўт ўчирувчи. Етакчининг вазифалари.

### Демократия умуминсоний қадрият ва сиёсий тартибот сифатида

Демократик тушунчаси ва ўлчовлари. Демократиянинг этимологик таърифлари. Демократик, меъёрий, эмпирик ёндашувлар. “Полиархия”. Демократиянинг меъёрий ва эмпирик таърифларнинг боғлиқлиги. Демократиянинг асосий белгилари. Умумий ва ижтимоий чекланган демократия. Охлократия. Индивидуалистик, плюралистик, коллективистик демократия.

### Демократиянинг асосий концепциялари

Қадимги ва ўрта асрлар демократияси. Мумтоз либерализм демократияси. Коллективистик демократия ва унинг ўзига хос белгилари. Ж.Ж.Руссонинг демократик концепцияси. Социалистик демократия. Плебисцитар партиявий демократия. Замонавий демократиянинг хусусиятлари. Демократиянинг плюралистик назарияси. Репрезентатив демократия. Партиципаторлик демократияси.

### Сиёсий онг ва сиёсий маданият: моҳияти, мазмуни ва кўринишлари

“Сиёсий онг” тушунчаси ва унинг шаклланиши жараёни. Сиёсий онг ва сиёсий борлиқ. Сиёсий онгнинг когнитив, ғоявий, коммуникатив, башорат қилиш, тарбиявий вазифалари. “Сиёсий маданият” тушунчаси, моҳияти ва мазмуни. Сиёсий маданият ҳақидаги турли назарий тасаввурлар. Сиёсий маданиятнинг даражалари ва таркибий элементлари.

Сиёсий маданиятнинг турлари. Ёпиқ ва очиқ, патриархал, фуқаролик ва фаол сиёсий маданият. Ўзбекистонда замонавий сиёсий маданиятни шакллантириш йўллари, воситалари. Сиёсий таълим-тарбияни ривожлантириш зарурлиги.

### Сиёсий мафкуралар: моҳияти ва кўринишлари

Сиёсий мафкуранинг моҳияти ва у тўғрисидаги қарашларнинг Ғарб ва Шарқ мутафаккирлари асарларида ривожлантирилиши. Сиёсий мафкуранинг вазифалари. Сиёсий мафкура даражалари: назарий-концептуал, сиёсий-дастурий, долзарблашган. Ҳозирги дунёдаги мафкуравий оқимлар: либерализм

ва неолиберлизим, консерватизм ва неоконсерватизм; социал-демократия; фашизм.

## Сиёсий замонавийлашув ва унинг асосий йўналишлари

Сиёсий замонавийлашув: тушунчаси, тараққиёт босқичлари. Ғарб сиёсатшунослигининг сиёсий замонавийлашув ҳақида. Консерватив йўналиш (С.Хантингтон). Сиёсий замонавийлашувнинг либерал йўналиши. Р.Далнинг полиархия назарияси. С.Эйзенштандт ва Г.Алмонд сиёсий тараққиёт мазмуни ҳақида. Замонавий институциализациялашув. МДҲ мамлакатларидаги сиёсий замонавийлашув ва уларнинг хусусиятлари. Ўзбекистонда сиёсий замонавийлашувнинг асосий белгилари ва ўзига хос хусусиятлари.

## Сиёсий инқироз ва сиёсий ихтилоф: тушунчалари, турлари, ҳал қилиш усуллари

"Сиёсий ихтилоф" тушунчалари ва назариялари. Ихтилофлар таснифи, иқтисодий, ижтимоий, ички сиёсий, ташқи сиёсий, ҳудудий, тил хусусидаги ихтилофлар. Сиёсий ихтилофларнинг асосий турлари: манфаатлар, қадриятлар, тенглаштириш, горизонтал ва вертикал ихтилофлар. Ҳозирги замондаги ихтилофларнинг келиб чиқиши сабаблари ва уларни ҳал этиш йўллари.

Сиёсий инқироз: моҳияти, манба белгилари. Сиёсий инқирознинг кўринишлари, монандлик, легитимлик иштирок, тақсимлаш инқирозлари. Ҳозирги замондаги сиёсий инқирозлар ва уларни ҳал қилишнинг йўллари. Инқилобий ва эволюцион усуллар.

## Сиёсий тадқиқот технологиялари

Сиёсий жараёнларда технологиларнинг роли. Сиёсий технологияларнинг моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари. Муаммоли ва баҳсли сиёсий вазиятларда сиёсий технологияларга эҳтиёж сезилиши. Сиёсий лексиконда баъзан сиёсий техологияларнинг, сиёсий маркетинги "Бозор" деб номланиши. Технологияларнинг ўзида сиёсий инжинерия формасини акс этирувчи аниқ фаолиятлар алгоритми сифатида.

Сиёсий технологиялар тузилиши (структураси): специфик (махсус) билимлар, фаолият услублари ва процедуралари, турли хил техникавий компонентлар.

Сиёсий технологияларнинг процедур ва техник компонентлари. Сиёсий инжинерия (мухандислик)нинг субъектив асосини ташкил этувчи сиёсий лойиҳалаштириш (режаланган ва дастурланган башорат қилиш) жиҳатлари.

## Сайлов технологиялари

Пропорционал, мажоритар ва аралаш сайлов тизимларининг ўзига хос хусусиятлари. Сайлов кампанияси – сиёсий бошқарувнинг алоҳида тури сифатида. Сайлов технологияларининг моҳияти ва вазифалари. Сайлов кампанияларини уюштириш тажрибаси. Сайловолди кураш усулларининг муваффақияти ва мағлубияти сабаблари. Сайлов кампаниясининг

ташкилотчилари. 2021 йилда ўтказилган Президентлик сайлови, уларнинг сиёсий жараён сифатидаги аҳамияти.

Сайлов кампаниясининг асосий бўғинлари. Сайлов кампаниясини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг моҳияти. Сайловолди тадқиқотларнинг асосий йўналишлари: статистик маълумотларни ўрганиш, аҳоли ўртасида социологик сўровлар ўтказиш, фокус-гуруҳлар билан ишлаш, рақибларнинг ҳаракатларини кузатиш.

Тактик технологияларнинг вазифалари: аҳолини номзод билан таништириш, унинг дастурий мақсадлари ҳақида ахборот бериш, сайловчиларнинг фикрлари ва кайфиятларига таъсир кўрсатиш. Тактик санъат ва ижодкорлик. Сайловолди курашда қўлланиладиган тактик усулларнинг муҳим йўналишлари: шиорлар ишлаб чиқиш, доимий ахборот бериб бориш учун баҳона топиш, сиёсий рекламани тайёрлаш ва тарқатиш, сайловчилар олдида номзоднинг чиқишларини уюштириш. Сайлов кампанияси тактикасини режалаштириш. Сайлов технологияларининг самарали ишлашига таъсир қилувчи омиллар.

## Сиёсий таҳлил ва сиёсий таҳлил методлари

Сиёсий таҳлилнинг моҳияти ва ўзига хослиги. Сиёсий тадқиқотларда сиёсий таҳлилнинг ўрни ва роли. Сиёсий таҳлилнинг предмети ва ўзига хосликлари билан татбиқий фан сифатида. Татбиқий билим сифатида сиёсий таҳлилнинг дастлаб субъект олдида муаммоларни ўрганишга киритилиши. Технолог-аналитикнинг одатда воқеларни тушунтурувчи ва амалий маслаҳатларни шакллантирувчи мутахассис сифатида тушунилиши.

Сиёсий таҳлилнинг тузилиши. Сиёсий таҳлил тадқиқот ёндашувининг уч даражаси. Микро татбиқий вазият таҳлили, сиёсий таҳлил жараёни. Сиёсий таҳлил муаммоларининг концептуаллаштириш босқичи.

## “Авесто” – қадимги Ўзбекистоннинг сиёсий тафаккурини ўрганишда муҳим манба

“Авесто” – қадимги Ўзбекистон ва Қадимги Эрон халқлари ижтимоий-сиёсий фикри ҳақидаги бебаҳо манба ва ҳужжат. Бу манбада борлиқнинг икки асосга яхшилик (Ахурамазда) ва ёмонлик (Ахриман)га бўлиниши ва уларнинг ўртасидаги доимий кураш. Ахурамазда ҳаётнинг дунёдаги яхшилик ва ёруғликнинг яратувчиси. Ахриман – ёмонлик, қоронғуликнинг манбаи.

## Конфуцийнинг жамият ва давлат ҳақидаги таълимоти

Конфуций (мил.авв. 551-479 йй.) – Хитой сиёсий фикрлари маданиятига асос солган буюк мутафаккирлардан бири. Унинг қарашлари мутафаккирнинг шогирдлари томонидан ёзилган “Лунюй” деб аталган. Тўпламда баён қилинганлиги. Конфуцийнинг жамият ҳақидаги таълимоти. Бу таълимотнинг ахлоқий стандарт даражасига кўратилган меъёрлар ва принциплар ташкил этиши. Конфуций давлат ҳақидаги таълимоти. Бу таълимотнинг марказий

нуқтасини халқ фаровонлиги, жамият фаровонлиги, жамият барқарорлиги, ижтимоий тартибни сақлаш ташкил этганлиги.

**Афлотуннинг сиёсий таълимоти**

Афлотун (мил.авв. 427-347 йй.) қадимиятнинг буюк мутафаккирларидан бири. Унинг “Давлат”, “Сиёсатчи”, “Қонунлар” ва бошқа асарларида инсоният фалсафий-ижтимоий-сиёсий фикрини бойитиши.

Афлотуннинг идеал давлат ҳақидаги таълимоти. Давлатнинг номукаммал шакллари.

**Арастунинг давлат ҳақидаги таълимоти ва ҳозирги замон**

Арасту (мил.авв. 384-322 йй.) – Афлотуннинг шогирди ва танқидчиси қадимги Юнонистоннинг буюк мутафаккирларидан бири. Унинг фалсафа сиёсий фикр тарихига қўшган улкан ҳиссаси. Арастунинг сиёсий қарашлари. “Сиёсат”, “Афина политияси”, “Этика” ва бошқа асарларида акс этиши. Арасту сиёсат, давлат ва унинг шакллари ҳақида.

**А.Августиннинг сиёсий қарашлари**

А.Августин (354-430 йй.) – расмий христиан таълимоти ва сиёсий мафкурасининг таниқли тадқиқотчиси. Унинг “Тонги жамият ҳақида”, “Эркин идора ҳақида” ва бошқа асарларида христиан фалсафасининг асосий қоидаларининг ишлаб чиқилиши. Августин инсон ва жамият, инсоният тарихи эвлюоциясининг даврлари ва давлат ҳақида.

**Форобий ва унинг давлат ҳақидаги таълимоти**

Абу Наср Форобий (873 йилда туғилган) Марказий Осиёлик машҳур мутафаккирлардан бири. Унинг “Уруш ва тинч-тотув ҳақида”, “Бахтга эришиш ҳақидаги трактат”, “Давлат арбоблари ҳақидаги афоризмлар”, “Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари” каби асарларида сиёсий таълимотлар тарихини бойитиши. Форобий жамият, давлат, ҳуқуқ масалалари ҳақида. Унинг давлатни турларга бўлиши. Форобий фазилатли, фазилатсиз шаҳарлар ҳақида.

**Низом-ул-Мулкнинг “Сиёсатнома” асари ва унинг аҳамияти**

Низом-ул-Мулк (1018-1092 йй.) – вазир, моҳир сиёсатчи, давлат арбоби, кўзга кўринган алломалардан бири. Унинг қарашлари “Сиёсатнома” деб аталган асарида баён этилганлиги. Бу асарда давлатни бошқариш ва унинг шакл ва методларини такомиллаштириш, ҳукмдорлар ва уларга қўйиладиган талаблар ҳақида.

**Ибн Сино жамият ва давлат ҳақида**

Ибн Сино (980-1032 йй.) буюк табиб, улуғ мутафаккир, файласуф. Унинг “Рисолаи тадбири анзил”, “Донишнома” ва бошқа асарларида жамият ижтимоий табақалар, давлат, ҳуқуқ, қонун-қоидалар ҳақидаги фикрлари. Унинг идеал давлат ҳақидаги таълимоти.

## А.Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари

А.Навоий (1441-1501) улкан шоиргина бўлибгина қолмасдан, буюк файласуф олим ҳам эканлиги. Унинг сиёсий қарашлари. Жумладан, "Садъи Искандарий", "Низом ут таворих" ва бошқа асарларида баён қилинган. Унинг бу асарларида адолат ва адолатсиз урушлар, давлатни идора этиш усуллари ва бир қатор масалаларни ечишга қаратилган ғояларнинг илгари сурилиши. А.Навоийнинг Марказий Осиё халқлари сиёсий таълимотлари тарихининг шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссаси.

## А.Темур ва унинг давлатни идора қилиш таълимоти

А.Темур (1336-1405) – ўзбек халқининг буюк давлат арбоби ва саркардаси. Унинг давлатни идора этиш ҳақидаги қарашлари. "Темур тузуклари"да давлатни идора қилиш санъатининг нозик сирлари, қоидалари ҳақида, амир, вазир, бекларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, қўшин бошлиқлари, уларни хизматларини тақдирлаш, сипохлари ва уларнинг маошлари каби масалалар тўғрисида фикр юритилади.

## Н.Макиавеллининг сиёсат ва давлат ҳақидаги концепцияси

Н.Макиавелли (1468-1527) италиялик тарихчи мутафаккир, давлат арбоби, файласуф. Унинг қарашлари, асосан, "Ҳукмдор" асарида баён қилиниши. Макиавелли сиёсий фан, давлат ва унинг шакллари ҳақида.

## Т.Парсонс, Д.Истон ва Г.Альмонднинг ижтимоий ва сиёсий тизим моделлари

Сиёсий тизим тушунчаси, моҳияти, тузилиши ва вазифалари. Т.Парсонснинг «Ижтимоий тизим» назарияси ва унинг типологияси. Д.Истоннинг «Сиёсий ҳаётнинг тизимли таҳлил асослари модели». Сиёсий тизимнинг мадад ва талаб импулсларининг ҳаракати. Г.Альмонднинг «Ривожланган минтақалар сиёсати» асарида сиёсий тизимнинг континентал турлари.

## С.Верба ва К.Дойчнинг сиёсий коммуникация ва назорат моделлари

С.Вербанинг сиёсий ижтимоийлашув, адаптация, реакция, экстракция ва бошқарув тизими функциялари.

**23.00.02 – “Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар” ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон саволлари:**

1. Сиёсий тизим моделлари (Д.Истон, Г.Альмонд, К.Дойч ва бошқалар).
2. Сиёсий институтлар ва уларнинг типологияси.
3. Сиёсий жараён тушунчасининг мазмун-моҳияти.
4. Сиёсий технологиялар тушунчаси мазмун-моҳияти.
5. Сиёсий модернизация тушунчаси ва унинг Ўзбекистонда амалга оширилишининг ўзига хос жиҳатлари.
6. Биринчи Президент И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг аҳамияти.
7. Ш.М.Мирзиёевнинг “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” асаридаги асосий концептуал ғоялари.
8. Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаркатлар стратегиясининг асосий йўналишлари.
9. 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси.
10. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилсин” ғоясининг амалий аҳамияти.
11. Фуқаролик жамиятининг замоновий концепциялари.
12. Замонавий партиявий тизимлар.
13. Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг демократлаштиришнинг асосий йўналишлари.
14. Сиёсат тушунчасининг асосий таърифлари.
15. XXI асрда Ўзбекистон сиёсий тизими ривожланишининг истиқболлари.
16. Жамоат ташкилотлари сиёсатнинг субъекти сифатида.
17. Цицероннинг “ҳуқуқий давлат” ҳақидаги таълимоти.
18. Замонавий сиёсий мафкура: тушунчаси ва турлари.
19. А.Темурнинг давлат бошқаруви ҳақидаги қарашлари.
20. Сиёсий тизим трансформацияси ва транзит.
21. Сиёсий жараён: моҳияти, тузилиши ва субъектлари.
22. Сиёсий ихтилофлар: турлари ва уларни ҳал этиш технологиялари.
23. Сиёсий онг: тушунчаси, тузилиши, вазифалари, даражалари ва турлари.
24. Ш.Л.Монтескьенинг либерал-демократик қарашлари.
25. Сиёсий тизим тушунчаси, моҳияти, тузилиши ва вазифалари.
26. Т.Парсонснинг «Ижтимоий тизим» назарияси ва унинг типологияси.
27. Д.Истоннинг «Сиёсий ҳаётнинг тизимли таҳлил асослари модели».
28. Г.Альмонднинг «Ривожланган минтақалар сиёсати» асарида сиёсий тизимнинг континентал турлари.

29. Президент Ш.Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” номли маърузаси ва ушбу маърузадан келиб чиқиб сиёсий фанлар олдида қўйилган вазифалар.
30. “Авесто”даги сиёсий тасаввурлари: моҳияти, функциялари.
31. Марказий Осиё давлатларидаги сиёсий партиялар фаолиятининг қиёсий таҳлили.
32. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг йўллари.
33. Сиёсий маданият ва унинг функционал жиҳатлари.
34. Сиёсий тизимлар туркумлашувига оид ёндашувлар.
35. Ж.Локкнинг либерализм ғоялари.
36. Замонавий сиёсий партияларнинг ривожланиш тенденциялари.
37. Ўзбекистон геосиёсий ҳолатининг асосий омиллари.
38. XVIII аср Америка маърифатпарварларининг сиёсий қарашлари (Т.Жефферсон, Г.Пейн, А.Гамильтон).
39. М.Вебернинг сиёсий назарияси.
40. Жамиятнинг ижтимоий тузилмаси: статистик ва реал ижтимоий гуруҳлар.
41. Демократиянинг ўзбек модели (И.Каримов асарлари асосида).
42. Қадимги Хиндистонда сиёсий етакчилик тўғрисидаги ғояларнинг шаклланиши.
43. Сиёсий ҳокимиятда каузал муносабатлар.
44. XX асрдаги геосиёсий жараёнларнинг динамикаси.
45. Демократия моделлари.
46. Конфуцийнинг давлат ва жамият ҳақидаги таълимоти.
47. Сиёсий фанда француз мактабининг хусусиятлари.
48. Арастунинг сиёсий таълимоти.
49. Нодавлат ва жамоат ташкилотлари: моҳияти, функциялари.
50. Ўрта асрларда геосиёсий ғоялар моҳияти.
51. Демократия: тушунчаси ва тамойиллари.
52. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шакллантириш стратегияси.
53. Ҳозирги даврда халқаро муносабатлар ривожланишининг асосий тенденциялари.
54. Қадимги дунё олимлари геосиёсий фикрларида географик детерминизм тамойили.
55. Ғарб ва Шарқ давлатларининг сиёсий тизимлари ва ўзига хос хусусиятлари.
56. Ўзбекистон Республикасида парламент сайловлари.
57. Терроризм: моҳияти ва кўринишлари.
58. Дж.Б.Мангейм, Р.К.Ричнинг “Сиёсий тадқиқотларнинг усуллари” асари ҳақида.
59. Жадидчиликнинг сиёсий ғоялари.

60. Лоббизм сиёсий институт сифатида.
61. Сиёсий қарор қабул қилишнинг асосий босқичлари.
62. Давлат бошқарувининг асосий моделлари.
63. Ал-Форобий асарларида фозил шаҳар ғоясининг ишлаб чиқилиши.
64. Сиёсий ҳокимият: табиати, ресурслари ва талқинлари.
65. Эвастон семинарининг сиёсий фан ривожидаги аҳамияти.
66. Контент ва инвент таҳлилнинг моҳияти.
67. Ўзбекистонда сиёсий модернизациянинг ўзига хослиги.
68. Элитаризм демократиянинг муқобили сифатида.
69. Сиёсатда реализм ва идеализм муносабатлари.
70. Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги маърузаси ва унинг сиёсий фанлардаги аҳамияти.
71. Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари.
72. Н.Макиавелли асарларида сиёсатнинг янгича талқини.
73. Сиёсат ва иқтисодиётнинг ўзаро алоқадорлиги.
74. Замонавий ҳокимият ривожланишининг асосий тенденциялари.
75. А.Навоийнинг адолат ва маърифатга асосланган таълимотлари.
76. Й.Шумпетернинг элитар демократия назарияси.
77. Ҳокимиятни тақсимланиши: принциплари, мақсади ва вазифалари.
78. Халқаро муносабатлар субъектлари ва уларнинг туркумлашуви.
79. Элитаризмнинг классик концепциялари.
80. Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг такомиллашуви.
81. Жамиятнинг сиёсий тизимида давлат бюрократияси ва фуқаролик жамияти.
82. С.Хантингтоннинг сиёсий модернизация назарияси.
83. Сиёсий онг тушунчаси ва унинг шаклланишининг асосий омиллари
84. Сиёсий маданият турлари.
85. Р.Далнинг иқтисодий демократия назарияси ва полиархия тушунчаси.
86. Легитимлик ва сиёсий ҳукмронлик (М.Вебер).

## ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР РЎЙХАТИ


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2020.
2. Каримов И.А. Асарлар тўплами.1-24 жилдлар. –Т.:, “Ўзбекистон”, 1996-2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. –Т.: “Ўзбекистон”, 2016. -56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. -104 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. -491 б.
6. Мизиёев Ш.М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. 1-жилд, -Т.: “Ўзбекистон”, 2017. -592 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-том, -Т.: “Ўзбекистон”, 2018. -507 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-том, -Т.: “Ўзбекистон”, 2019. -396 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд, –Т.: Ўзбекистон, 2020. -456 б.
10. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. –Т.: O`qituvchi, 2021. -184 б.
11. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: Ўзбекистон, 2021. -464 б.
12. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.
13. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда.
14. “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 9 сентябрдаги 180 (6874)-сони.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонуни, 2014 йил 28 декабрь.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни, 2015 йил 9 декабрь.
17. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. /Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, №1. 2017.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, №6. 2017.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. АҚШ, 19 сентябрь 2017 йил. “Халқ сўзи” газетасининг 2017 йил 20 сентябрь № 189 (6883)-сони.
20. “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5430-сон Фармони. -Т.: 2018 йил 4 май.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарори// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.06.2018 й., 07/18/3775/1313-сон.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. -Т.: 28 декабрь 2018 йил. “Халқ сўзи” газетасининг 2018 йил 29 декабр № 258 (6952) -сони.
23. “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун. 2018 йил 12 апрель.
24. “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. (27.05.2019).
25. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарлари ва маърузаларидан олинган фикрлар. –Т.: “Ёшлар нашриёти уйи”, 2019.
26. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси. 2019 йил 25 июнь.
27. Авесто. –Т.: 2007.
28. Аристотель. Политика. –М.: Мысль, 1982.
29. Фаробий А. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: 1993.
30. Низом-ул-Мулк. Сиёсатнома. –Т.: 2016 й.
31. Макиавелли Н. Ҳукмдор. –Т.: 2017.
32. Хантингтон С. Мировая цивилизация. –М.: 1997 г.
33. Бобоев Ҳ.Б. ва б. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. -Т.: 2003.
34. Юсупова Г.Х., Жабборов Х.Ж., Қосимова Х.Х. Сиёсат назарияси, -Т.: «Университет», 2003.

35. В.П.Пугачев, А.И.Соловьев, Сиёсатшуносликга кириш, «Янги аср авлоди» (ўзбекча нашри), -Т.: 2004.
36. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. Наврўз. Ўқув қўлланма. –Т.: 2014.
37. Ўтамуродов А. ва бошқалар. Сиёсатшунослик. Ўқув қўлланма. –Т.: 2015.
38. Фуқаролик жамияти. Дарслик лойиҳаси. –Т.: 2016. Ziyonet.uz. Муаллифлар жамоаси.
39. Ўтамуродов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти фанидан тушунча ва атамалар луғати. Лотин ёзувида. -Т.: Турон-замин-зиё. 2017. 23 б.т.
40. Боришполец К.П. Методы политических исследований. МГИМО, 2005.
41. Жабборов Х.Ж. Сиёсий таълимотлар тарихи. Маъруза матнлари. -Т.: 2000.
42. Жумаев Р.З. Стратегик таҳлил асослари. –Т.: Академия. 2007.
43. История политических и правовых учений. Под ред. проф.В.С.Нерсесянца. Учебник для вузов. –М.: 2007.
44. Қодиров А.К. Сиёсат фалсафаси. ТДЮИ, –Т.: 2005.
45. Лебедева М.М. Мировая политика. – М.: Аспект Пресс. 2004.
46. Муҳитдинова Ф. Ўзбекистон ҳалқларининг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари тарихи. – Т.: ТДЮИ, 2004.
47. Одилқориев Х.Т., Ғоибназаров Ш.Ғ. Сиёсий маданият. –Т.: 2004.
48. Почепцов Г. Стратегический анализ. -К., 2004.
49. Рахмонов А. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви -Т.: “Академия”, 2006.
50. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. Ўқув қўлланма. –Т.: “Академия”, 2006.
51. Саидалимов С.О. Халқаро муносабатлар ва халқаро ташкилотлар. -Т.: “Шарқ”, 2008.
52. Саидалимов С.О. Халқаро муносабатлар. -Т.: “Шарқ”, 2007.
53. Сиёсатшунослик. С.Жураев мухаррирлиги остида. -Т.: 2006.
54. Толипов Ф.Ф. Большая стратегия Узбекистана в условиях геополитической и идеологической трансформации Центральной Азии. –Т.: 2005.
55. Центральная Азия: геоэкономика, геополитика, безопасность. –Т.: «Шарк», 2002.
56. Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. -Т.: Академия., 2004.
57. Жалилов А. бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари. –Т.: Baktria press, 2015.
58. Амонов Б. Сиёсий модернизациялаш моделлари ва Ўзбекистон тажрибаси. Монография. –Т.: Fan va texnologiya, 2012.
59. М.Бекмуродов, Қ.Қуранбоев, Л.Тангриев. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. –Т.: Ғофур Ғулом, 2017.
60. Ўтамуродов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти. Ўқув қўлланма. -Т.: Мумтоз сўз. 2018.

61. Жумаев Р., Ёвқочев Ш. Сиёсий технологиялар. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДШИ, 2018. -232 б.
62. Омонов Б. Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари. Монография. –Т.: Aloqachi, 2019, -208 б.
63. Мирзаахмедов К.М. Ўзбекистонда давлат бошқаруви жараёнларини демократлаштириш эволюцияси. Монография. -Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2019, -212 бет.
64. Утамуродов А. ва бошқалар. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Харбий-техник институти, 2020, -391 бет.
65. Джумаев Р.З., Мадаминова Д.И., Мустапова Х.И., Суюнова Б.С. Сиёсий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДШИ, 2020, -148 б.
66. Қирғизбоев М. Замонавий сайлов технологиялари. Монография. –Т.: Ўзбекистон 2021, 7.5 б.т.
67. Бўтаев У.Х. Ўзбекистон миллий манфаатларини таъминлашнинг концептуал асослари. Монография. –Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2021, -205 бет.
68. Атамуратов М.У. Бошқарув компетенцияларининг ўзига хос жиҳатлари. Монография. –Т.: Yosh avlod matbaa, 2021, -168 б.

**Интернет маълумотлари:**

1. www.prezident.uz
2. www.gov.uz
3. www.ziyonet.uz
4. http// www.falsafa.dc.uz
5. www.philosophy.ru